

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 ноябрь куни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятидаги муаммолар таҳлил қилинди. 2019 йилги ўлим ҳолатларининг 60 фоизи шу бўғинда олдини олиш мумкин бўлган юрак-қон томир касалликлари ҳисобига тўғри келган. Онкология йўналишидаги беморларнинг яримида касаллик иккинчи ва учинчи босқичга ўтиб бўлганидан кейин аниқланмоқда. Биринчи бўғинда сифат пастлиги учун аҳоли тўғридан-тўғри марказий шифохоналарга боришга мажбур бўлмоқда.

Чунки шароит билан талаб, иш ҳажми мутаносиб эмас. Масалан, қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори зиммасига 146 турдаги касалликка диагноз қўйиш ва даволаш, 213 турдагисига бирламчи диагноз қўйиш ва йўланма бериш, шунингдек, реабилитация, диспансеризация ва профилактика бўйича жуда кўп вазифалар юклатилган.

Шу боис давлатимиз раҳбари қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги тиббий хизмат тизими, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг вазифа ва функцияларини тўлиқ қайта қўриб чиқиш зарурлигини айтди.

Илгор хорижий тажриба асосида умумий амалиёт шифокорини ҳақиқий оилавий шифокорга айлантириш чоралари белгиланди. Уларга ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этилди. Бу бригадалар ўзларига бириктирилган оилалар ҳиссида “тиббий ҳарита”лар шакллантириб, манзилли иш олиб боради. Аҳолининг саломатлик ҳолати баҳолашиб, электрон базаси яратилади. Бунинг учун тиббиёт ходимлари планшет, мобилъ диагностика воситалари билан таъминланади.

5 ёшгача бўлган болалар, ҳомилдор, туғиш ёшидаги ва 35 ёшдан ошган аёллар, 40 ёшдан ошган шахслар доимий назоратга олиниб, скрининг текширувлари ўтказилади. Касалликка мойил бўлганлар индивидуал патронажга олинад.

Бундан буён, бепул тиббий ёрдам учун йўланмани ҳамда бепул тарқатиладиган дори-ларга рецептни ҳам оилавий шифокор беради. Маҳалладаги аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари, касалликларининг эрта аниқланишига қараб, оилавий шифокорлар меҳнати рағбатлантирилади.

Мутасаддиларга ушбу тизимни шахар ва туманларда босқичма-босқич жорий этиш, тиббиёт бригадаларини илгор тажриба асосида қўшимча қўйиш, оилавий шифокорлар фаолияти

тини баҳолаш мезонлари ва рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласи атрофлича қўриб чиқилди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда 20 мингдан зиёд шифокор штатлари бор, лекин атиги 12 минг мутахассис ишламоқда. Чунки бугунги кунда умумий амалиёт шифокори касби олий ўқув юртлари битирувчилари учун жозибадор эмас. Ходимларни рағбатлантириш, малакаси ва лавозимини оширишга эътибор йўқ.

Шу боис Президент шифокорларга муносиб шароитлар яратиш орқали уларни энг қўйи бўғин — қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникаларга жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Бунинг учун чекка ҳудудлардаги бирламчи бўғин тиббиёт тизими учун “Қишлоқ шифокори” дастури жорий қилинади. Бу дастурга мувофиқ олис ҳудудлардаги бирламчи бўғинга ишга кирган тиббиёт ходимларига 30 миллион сўм миқдорда бир марталиқ пул маблағи берилди, улар хизмат уйи билан таъминланади ёки ижара тўлови компенсация қилинади.

Шифокорларга бўлган эҳтижларини маҳалалар кесимида аниқлаб, тиббиёт олий ўқув юртларида квотани ошириш, ипотека асосида қурилаётган уй-жойларни, аввало, бирламчи бўғин шифокорлари учун ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, келгуси йили 100 та қишлоқ врачлик пункти ва 24 та оилавий поликлиника ташкил этилиши белгиланди.

Сирдарё вилояти мисолида ҳар бир бўғин вазифалари аниқ белгиланган, давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетларини ишлаб чиқиш топшириғи берилди. Буни молиялаштириш учун давлат тиббий сўғуртаси механизмлари жорий этилиб, алоҳида жамғарма ташкил қилинади.

Шифокорлар иш кўнининг 60 фоизини ҳисобот тўлдиршига сарфлаётгани таъкидланиб, бу жараёнларни рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилига кўра, даволаш ишон саломатлигини таъминлашнинг 10 фоиз омили, ҳолос. Ирсий омиллар 15 фоиз, атроф-муҳит 20 фоиз, энг асосийси, турмуш тарзи 55 фоизни ташкил этади. Коронавирус касаллиги ҳам нотўғри турмуш тарзи оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатди.

— Тўғри овқатланиш ва ҳисмоний фаоллик орқали қанчадан-қанча касалликларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлигини барча тушуниши керак, — деди Президент.

Бирламчи бўғин ходимлари аҳолини тўғри овқатланиш ва ҳисмоний тарбияга ўргатиши муҳимлиги таъкидланди.

Аниқланишича, 40 фоиз аёлларда фоллий кислотаси ва темир моддаси етишмаслиги кузатишмоқда, 5 ёшгача бўлган болаларнинг 55 фоизида темир моддаси етишмаслиғи сабабли камқонлиқ келиб чиқапти. Ботча ва мактаб ёшидаги 70 фоиз болаларда ичак паразитлар касалликлари мавжуд.

Шу боис келгуси йил 1 июндан бошлаб, 5 ёшгача бўлган болаларни витаминлар ва микронутриентлар билан, 10 ёшгача ўғил-қизларни паразитларга қарши дорилар билан, ҳомилдор, эмизикли аёллар ва 15 ёшгача бўлган болаларни йод препаратлари билан, 35 ёшгача аёлларни фоллий кислотаси ва феррум билан бепул таъминлаш чоралари белгиланди. Ушбу дори воситалари ва витаминлар оилавий шифокорлар томонидан тарқатилади.

Йиғилишда ҳар бир ҳудуддаги касалликлар тарқибига қараб, иختисослаштирилган даволаш муассасалари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Мисол учун, Фарғона ва Сирдарёда нафас йўллари, Қашқадарёда эндокардиология, Тошкент шаҳрида ошқозон-ичак, Андижонда юрак-қон томир, Қорақалпоғистон ва Хоразмда буйрак касалликлари энг кўп қайд этилган.

Шу каби долзарб йўналишлар бўйича ҳудудларда илгор хорижий клиникалар филиалларини ташкил этиш, бунга хусусий секторни жалб қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

17 та иختисослаштирилган тиббиёт марказини ҳудудий шифохоналар билан боғлаш, телемедицина орқали тажриба алмашинуви ривожлантириш, касалликлар тури ва динамикасидан келиб чиқиб, қилларда иختисослаштирилган марказнинг минтақавий филиалларини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу йиғилиш Тиббиёт ходимлари куни арафасида ўтказилаётганига уруғ бериб, барча шифокорларни байрам билан табриқлади.

— Бугунги давр талаби шундайки, байрам кунлари, тантанали аёйملар-

да ҳам, ҳаётнинг ўзи олдимиизга қўяётган турли муаммолар ҳақида ўйлашимиз, уларнинг самарали ечимларини топишимиз зарур. Барча соҳалар қатори тиббиёт тизими олдида ҳам ғоят мураккаб вазифалар юзга келмоқда. Инсон саломатлиги учун ўзини масъул ва жавобгар деб ҳисоблайдиган ҳар бир тиббиёт ходими билим ва малакасини доимий ошириб бориши, янги технологиялар ва даволаш усулларини ҳар томонлама пухта эгаллаши энг ўткир масалага, ҳаётин заруратга айланмоқда. Амин-манки, Абу Али ибн Синодек буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, Ўзбекистон тиббиёт мактаби аъёналарининг давомчилари бўлган сиз, азизлар, ўз фаолиятингизни ана шундай юксак мезонлар асосида ташкил этиб, олижаноб бурчингизни бундан буён ҳам шараф билан адо этасизлар, — деди Президент.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, малакали кадрлар тайёрлаш, хорижий тиббиёт марказлари ва олийгоҳлари билан илмий-амалий ҳамкорлиқни кучайтириш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиши таъкидланди.

Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бу курашга 100 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари сафарбар этилгани, улар ўзларини аямасдан, жонларини гаровга қўйиб, ҳақиқий қаҳрамонлик қўрсатаётгани эътироф этилди.

— Ишонаман, жонкуяр шифокорларимиз бугунги белгиланган вазифаларини ҳам фидойилик ва матонат билан, бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, албатта ўздайлади. Энг катта бойлик бўлган халқимиз саломатлигини сақлашда ҳақиқатда жонбозлик кўрсатадилар, — деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида соҳа мутасаддилари, вилоят ҳокимлари, тиббий марказлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Ў.А.

ГЛОБАЛ САВДОНИ ЖОНЛАНТИРУВЧИ ҒОЯЛАР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “CIE — 2020” Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмаси очилиш маросимидаги нутқи хориж оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди.

■ Акс садо

Маълумотларга кўра, глобал кўргазмада 170 дан зиёд мамлакат ва халқаро ташкилотлардан минглаб корхоналар иштирок этмоқда. Бу, ҳам тақдим этилаётган маҳсулотлар, ҳам ривожланиш учун янги майдонларни ўзлаштиришга қўмаклашадиган, қатор муаммоларга дуч келаётган дунё савдоси ва иқтисодиётига туртки берадиган ғояларга нисбатан юқори қизиқишни таъминламоқда.

Хитой Медиакорпорациясининг хабар беришича, Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой CIE ўтказилиши билан қўлга-гани хусусида ҳабар берди. Россиянинг “Спутник” ахборот агентлиги Ўзбекистон раҳбари томонидан савдо-



иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича тақлиф этилган муҳим жиҳатларга батафсил тўхталиб ўтди. “Марказий ва Жанубий Осиё темир йўллари тизимларини боғлайдиган янги транспорт йўлакларини яратиш борасидаги ташаббуслар катта аҳамиятга эга” дея Шавкат Мирзиёев нутқидан иқтисо келтирилади мазкур мавбада.

Ўзбекистон раҳбарининг фикрича, бу Евроосиё қитъасидаги қуруқлик транспорти тизимини туташтириш имконини беради. Президент, шунингдек, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида “қуруқликдаги портлар”, логистика ва улғуржи-дистрибуторлик марказларининг интеграциялашган тармоғини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш тақлиф этди. Бугун Марказий Осиё, Буюк Ипак йўли даврларида бўлганидек, Европа ҳамда Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит йўлакларининг ҳабиға айланиши мумкин, деб ёздади ахборот агентлиги.

“The Times of Central Asia” ахборот портали ЭКСПОнинг



очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти ўз видеоуроҳаатида ўзaro фойдаланишда савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш ва глобал инкироз шароитида минтақалар ҳамда мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди, дея таъкидлайди. Эътироф этилганидек, бу борада транспорт соҳасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва Марказий Осиёнинг транспорт ҳамда транзит салоҳиятини кенгайтириш муҳим йўналиш бўлиб қолади. Ўзбекистон, ўз навбатида, саноат кооперациясини фаол ривожлантириш, биринчи навбатда, минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва экспорт бозорларига чиқиш учун юқори қўйишлаг қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги қўшма корхоналар ташкил этиш тарафдоридир, деб ёздади ахборот портали.



моия” эса Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мазкур тадбир бутун жаҳондаги компаниялар учун яхши имкониятлар тақдим этилиши таъкидлагани ва Хитойни учинчи

МДҲ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Ўзбекистон Республикаси раислигидаги навбатдаги йиғилиши 6 ноябрь куни видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов олиб борди.

Тадбирда, шунингдек, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон Республикаси Бош вазирилар, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси, Арманистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи ва Бош вазири, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари асосий эътиборни МДҲ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлиқнинг долзарб масалаларига, шунингдек, коронавирус инфекциясини тарқалишига қарши самарали курашни бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларга қаратди. Бунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги эркин

савдо зонасининг тўлиқ ишлаши муҳимлиги таъкидланди. Ҳамдўстликка аъзо давлатлар халқларининг фаровонлиги ва турмуш сифатини ошириш учун яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларнинг ҳисобга олиш асосида ҳамкорлиқни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳукумат раҳбарлари Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар. 2030 йилгача бўлган даврда МДҲ иқтисодий ривожланиш стратегиясининг биринчи босқичи (2021 — 2025 йиллар)ни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режасини муҳокама қилди.

ЭЛПАРВАР

Шароф Рашидов ҳақида самийи сўз.

Бундан уч йил аввал атоқли давлат арбоби, Ўзбекистонга узок йиллар раҳбарлик қилган Шароф Рашидовнинг 100 йиллиги республикаимизда кенг нишонланган эди. Юбилей баҳона бу бетакор инсон тўғрисида бир қатор илмий, бадиий асарлар чоп этилди.

Шу йил ёзда таниқли ёзувчи Фёдор Раззақовнинг “Шароф Рашидов ҳаёти ва тақдири” китобининг тўлдирилган нусхаси “Ўзбекистон нашриёти” давлат корхонаси томонидан рус ва ўзбек тилларида босмадан чиқарилиди. “Коррупция в Политбюро. Дело “красного узбека” (“Сийсий бюрода коррупция. “Қизил ўзбек”нинг иши”) китоби Москвада 2009 йилда босилган эди. Ёзувчининг Ўзбекистон лидери тўғрисидаги иккинчи китоби “Сталин Рашидова!” (“Рашидовни қутқариш!”) 2019 йилда ёзиб тугатилганди.

■ Барҳаёт сиймо

— Жумабекмурод Ражабович, сиз билан мавзунинг белгилаб олдик. Сухбатни нимадан бошлаганимиз маъқул, деб ҳисоблайсиз?

— Фёдор Раззақовнинг китоби бу-

Ушбу асарлар муаллиф қўлаб архив манбаларидан фойдалангани ҳамда Шароф Рашидовнинг танган билан кишилардан олинган маълумотлар асосида ёзгани учун бу инсон ҳақида республикаимизда илгари чоп этилган китоблардан анча фарқ қилади.

Бугунги суҳбатдошимиз — Жумабекмурод Муртазаев, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизматининг фахрийси, истеъфодаги генерал-майор. Москва бошлаган “ўзбеклар иши — пахта иши” даврида Ўзбекистон Давлат хавфсизлик қўмитасининг Бухоро вилояти бошқармасига раҳбарлик қилган. Уша замон воқеаларига дохил ва уларнинг бевосита ичида бўлган. У киши билан суҳбатимиз давомида мамлакатимизнинг турғунлиқ йиллари ва Шароф Рашидов шахсига ҳаётини фактлар асосида янгича ёндашув билан баҳо берилди.

Бугунги суҳбатимиз учун бир турки бўлди. Ўз навбатида, мен Шароф Рашидов ҳамда уша даврларда юртимизда рўй берган айрим воқеа ва ҳодисалар тўғрисида бир нималарни қоралаб қўйганман. Насиб этса, мен ва “дами

ичида” қолиб кетган ҳамкасбларим иш-тирокида рўй берган ишлар тўғрисида дил оғриғи билан ёзилган битикларим бир кун келиб китобхоналар қўлига етиб боришига ишонаман.



«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ»

Охириги тўрт йил туб ислохотлар ҳамда улкан янгиланиш даври сифатида мамлакатимиз тарихида мустаҳкам жой эгаллади. Бу ҳақли равишда жаҳон ҳамжамияти томонидан “Янги Ўзбекистон феномени” деган ном билан эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, айнан шу давр юртимизнинг барча соҳадаги чексиз салоҳияти ҳамда имкониятини дунёга намойиш қилишга замин яратди. Бу эса, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган оқилона ташқи ва ички сиёсат натижасидир.

■ Ўқув машғулоти

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида республика тарғибот гуруҳи, ҳудудларда вилоят ва туман тарғибот гуруҳлари аъзолари учун “Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш” мавзусида ташкил этилган маънавий-маърифий тарғибот ўқув машғулотлари айнан шу долзарб масалага бағишланди.

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Сенат Раиси биринчи ўринбосари Содик Сафоев ишти-

рок этди ва маъруза қилди. Машғулотларда Президентимизнинг шу йил бошида парламентга йўллаган Мурожаатномаси, шунингдек, Ўқитувчи ва мураббийлар қўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан илгари сурилган фикр ҳамда ғоялар мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

Авалло, халқ манфаати ус-тунлиги, инсон ҳуқуқлари ҳамда сўз эркинлигини тўлиқ таъминлаш миллий тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишла-

ри сифатида белгилангани айтилди. Мажбурий ва болалар меҳнатини бартараф этиш, бизнес учун ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш, коррупцияга қарши аёвсиз курашиш ҳамда гендер тенглик масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада муайян натижаларга эришилди.

Йиллар давомида барча соҳада тўлғаниб қолган муаммоларни босқичма-босқич ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентнинг халқ ва виртуал қабулхоналарида 4,5 миллионга яқин мурожаатлар қўриб чиқилди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатига сўнгги тўрт йил мобайнида келиб тушган 40 мингдан ортиқ мурожаатларнинг аксарияти ижобий ечим топди. Натижада ҳамюртларимизнинг давлат бошқаруви органларига бўлган ишончи сезиларли даражада ортди.



Бугунги пандемия шароитида бутун дунё эътибори коронавирус касаллиги билан курашишга, илм-фан, олимлар эътибори эса тезроқ мазкур оғатта қарши самарали вакцина яратишга қаратилган.

Шу кунларда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда коронавирусга қарши вакцина синовий ўтказилиши ҳақидаги хабарлар бот-бот кўзга ташланмоқда. Ушбу масалада Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ҳамда Инновацион ривожланиш вазирликлари хорижий етакчи мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда.

Ҳўш, оммавий эмлаш қачон бошланади? Дастлаб қанча аҳолида вакцина синовий қўрилади? Ушбу жараёнда қайси мамлакатлар билан ҳамкорлик қилинмоқда?

Ана шу каби долзарб саволларга жавоб олиш учун инновацион ривожланиш вазирини, академик Иброҳим АБДУРАҲМОНОВга мурожаат қилдик.

■ Долзарб мавзу

— Сухбатимиз аввалида ушбу ўта масъулиятли жараёнда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳам қатнашайётганига изох берсангиз.

— Кейинги пайтларда “Соғлиқни сақлаш вазирлиги турганда, нима учун Инновацион ривожланиш вазирлиги вакциналар билан шугул-

ланапти?” деган саволлар ҳам кўп берилляпти. Бунга жавобан шунини айтиш мумкинки, вакцина, аввало, илм-фан ютуғи ўлароқ инновацион ечимлар асосида вуҷудга келади. Бу соҳада биз етакчимиз, деб айтишдан йироқмиз. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бир неча вакцина синовларини ўтказиш ҳамда юртимизга олиб келиш бўйича қатор шартномаларга эришилган ва бу ишлар давом эттирилмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ПОЧТА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛАДИ

Шу йил 5 октябрь куни миллий почта тизимини ислох қилиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз Президенти томонидан мазкур йўналишини ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлаш, айниқса, почта соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга эътибор қаратилиб, бу борада соҳа мутахассисларига муҳим вазифа ва топшириқлар белгилан берилган эди.

Ушбу тавсиялардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва комму-

никацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда “Рақамли иқтисодиёт ривожига почта соҳасининг ўрни” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.



ГРАШДА
ГИ ЗАРУР

A close-up, black and white photograph of a hand holding a pen, filling out a form. The form has several rows of checkboxes, some of which are already marked. The hand is positioned over the form, and the pen is in the process of marking a checkbox. The background is dark and out of focus.

Боғот туманидаги
24-умумтаълим мактаби
ишчи гуруҳ сафарининг

ЭЛПАРВАР

Шароф Рашидов ҳақида самимий сўз.

Биз республикамизга чорак аср раҳбарлик қилган Шароф Рашидов тўғрисида сўз юритаётиб кўйидагиларни ёдга олсак дейман. Умуман юртга, элга, давлатга раҳбарлик ўта масъулиятли вазифа бўлиб, уни удалаш ўзини улуғ ишларга тайёрман деган ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Аллоҳ тақдирига битмаган бўлса, юртга ўнлаб йиллар бошчилик қилиш насиб этмайди. Тангри таоло бу марҳаматини иймон-эътиқодли, уни доим дилида сақлаган бандаларига раво қўриши тайин. Менимча, айнан шу сифатлари билан Шароф Рашидов бошқа республикалар раҳбарлари орасида ажралиб турарди. Унинг эътиқоди мустаҳкамлигига шубҳа қилишга асос топиш мушкул. Шароф ота Ҳазрат Нақибандий таълимотига оғишмай амал қилган кўрнадди.

Матонатли инсон бўлган Шароф отани бир неча марта маънан синдиришга уринишлар бўлди, аммо иродаси мустаҳкам кишини синдирилмади! Уруш асоратлари ҳар замонда ўзини билдириб турса-да, оғирликларга дош берди ҳамда афсус билан айта-мизки, ўша урушда олган жараҳат уни орамиздан олиб кетди...

— Базъан Шароф Рашидовичнинг вафоти тўғрисида турлича талқинлар келтирилади...

— Уларнинг барчаси асоссиз, уйдирма гаплар! Шароф ота тақдирнинг барча ўйинига тик қараган. Узидан аввалги республика раҳбарияти — Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва бошқаларнинг халқ ташвишлари, Ватан тақдирини йўлида бутун борлигини бахшида қилган ўзбек ўғлонларининг машъум қисматларидан у киши жуда яхши хабардор бўлган. Бу инсоннинг лидерлик қобилиятларидан бири — ёмон кўрган одами ёки марказдан юборилган “нозиктабиат”, сўхтаси совуқ инсонлар билан ҳам жамият фойдаси, халқ тинчлиги ва оқсоқиллиги йўлида келишувнинг турли йўлларида фойдалана олганлигиди. Аммо ўз нуктаи назарига қатъий эгалик қила олганлиги ҳам Ф. Раззақовнинг китобида яққол ақс эттирилади.

— Янги авлод Шароф Рашидович сиймосини тўлароқ тассаввур этиши учун мисоллар келтириб ўтсангиз яхши бўларди...

— Мен Тошкентдан ташқари Фарғона, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида хизмат қилганман. Ушбу вилоятларга сафарлар чоғида у кишининг хавфсизлигини таъминлашда қатнашганман. Бақир-чақир қилиш, кўпчилик олдида айбдорни сазойи этиш у киши учун мутлақо ёт нарсаси эди.

Райондан райonga ўтиш чоғида йўл четида тўп-лаиб турган одамлар билан кўришиб ўтишга ҳаракат қилар эди. Халқ ҳам давлат раҳбарини самимий севар эди. Халқ ва раҳбар ўртасида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаган, улар доим бир-бирларига интилиб яшаган! Шунинг учун республикада барака бўлган!

Энди бир неча, бир қарашда оддий деб саналадиган учрашувларга тўхталаман. 1970 йилнинг эрта кузига Бухорога сафари чоғида у киши асли жи-захлик таниқли пахтакорнинг хасталаниб Бобкент-да даволанаётгани тўғрисида хабар олади. Ғиждувонга кетиш йўлида тўсатдан Бобкент шифохона-сига боришни буюради. Бир шифохона мисолида вилёят соғлиқни сақлаш тизими билан бевосита танишган бўлади. Тошкентга эса бир дунё тасав-

вур билан қайтиб, тегишли вазирликларга қисқа муддатда камчиликларни бартараф этиш учун топ-шириқлар берилади...

1975 йилнинг кузига Зарафшон ва Учқудуқ ша-ҳарлари меҳнаткашлари ва фаоллари иштирокида “Олтин водий” маданият саройида мажлис ўткази-лади. Навоий кон-металлургия комбинати (НКМК) жамоаси шаънига кўплаб илиқ гаплар айтилди. Шароф Рашидовнинг маърузаси давомида фақат бир марта “уран” деган ибора ишлатилди. Ўша даврларда, аслида ҳаммага маълум бўлса ҳам уран ҳақида оғиз очиш, “уран” сўзини ишлатиш тақиқ-ланган эди.

Тадбир тугагач саҳнадан туша туриб, менга юз-ланди: “Муртазаев, мен нутқимда “уран” сўзини тилга олдимми?”, деб кўкўксидан савол бериб қолди.

— Шароф Рашидович! Мен ундай сўзни эшит-мадим, — дедим.

Менинг махмурак қирғоғи ўхшамайдиган жа-вобимдан кўнгли жойига тўшган бўлса керакки, у киши ва ҳайъат аъзолари мириқиб қўлиб олишди.

Шароф Рашидович учрашувда, йўлда кетаётган-да болаларни кўриб қолса, дарров уларни эркалаб бағрига босар, мактабдаги дарслар ва олаётган ба-халари билан қизиқар эди. Дастур режими-з роса тикилинч бўлса ҳам бу одатни сираям тарк этмасди.

Вилоятларда кўп марта ҳамроҳлик қилган бўлсам ҳам, у кишининг зиёфатларда қатнашганлигига ҳеч гувоҳ бўлмаганман. Кўнлик режани битириб, тўғри махсус майдончада тайёрлаб қўйилган вагонлари-га ошиқарди. Янги ҳужжатлар билан ишлашга вақт ажратар, бўлгуси иш режаларини таҳлил қилиш ва бошқа ташвишлар билан банд бўларди.

— Москвалик “зодагонлар” Шароф Рашидович ҳақида қандай фикрда бўлган-лар, бу ҳақда эшитганингиз борми?

— Тўғриси-ни айтсам, реал ҳаётдан хабардор, кўнглида халқ манфаатининг ҳимоясида мустақил фикр юритишга мойил москвалик раҳбарлар Шароф Рашидовни дилдан ҳурмат қилган. Лекин улар камчилик бўлишган. Базиллари ўзбек элининг келажagini унинг бунёдкорлик фаолияти натижа-ларига боғлаган ва шу муносабат билан, керак бўлганда, ёрдам қўлини чўзишни лозим топган.

1958 йилда ташкил топган Навоий кон-метал-лургия комбинати жамоаси Шароф Рашидовни на-қаҳар ҳурмат қилишлариға мен кўп марта гувоҳ бўлганман. Чунки олтин тозалаш (ГМЗ-2) заводин-нинг қурилишида шахсан Шароф Рашидовнинг ўзи қатъиятчилик ва ташаббус кўрсатган. Аслида НКМК уран рудаси қазиб олишга мўлжалланган. Олтин қазиб олиш эса собик Иттифокнинг Рангли метал-лар вазирлиги тасарруфида бўлган. Иттифокнинг энг машҳур раҳбарларидан бири, уч марта “Меҳнат Қаҳрамони” унвони ҳамда давлатнинг кўплаб мукофотлари совриндори, атом бомбасини яратиш лойиҳасининг иштирокчиси, вазир Ефим Павлович Славский ўзининг азбаройи республика раҳбарига ҳурмати туйғайли истисно тариқасида бу муаммони ижобий ҳал қилиб берган.

— Шароф Рашидович билан стол атрофида ўтириб жиддий масалалар устида ҳам суҳбатлашган вақтингиз бўлганми?

— Давлат хавфсизлик қўмитасининг Бухородаги бошқармасига номзодлик Москва тасдиғидан ўтган, вилёятга жўнашдан аввал 1982 йилнинг ёзида

Шароф аканинг суҳбатларида бўлганман. Соҳа бўйи-ча берилажак таҳминий саволларга жавоб беришга пухта тайёргарлик кўрганман. Яширишнинг ҳожа-ти йўқ, ўша пайтда менда барибир ҳаяжон бор эди.

Кутганимнинг акси бўлиб чикди. Бирорта савол бермади у киши, қайтага ўзлари Бухорода юзага келаятган кўнглисиз вазият тўғрисидаги мулоҳаза-ларини менга гапириб берди. Узим асли бухоро-ликман, вилёятга хизматга кетиш олди-дан анча жиддий тайёргарлик кўрганман, лекин Шароф Рашидович билдирган мулоҳазалар ҳаёлимнинг кўчасига ҳам кирмаган эди...

Шароф Рашидович кимдир ёки кимлардир вилё-ятда носоглом жараён ҳукм суришидан манфаат-дор бўлиши мумкинлиги эҳтимоли йўқ эмаслиги, бу ҳолат эса вилёят раҳбариятига, хусусан, вилёят партия қўмитаси биринчи котибига мушкулликлар туғдириш хавфи борлиги тўғрисида гапирди. Кейинчалик очилган “Ришта иши” бу хавотирлар-нинг қанчалик ўринли бўлганлигини кўрсатди.

— Шароф Рашидов ҳаётининг сўнги йиллари анча галвали кечган. Нима учун унинг номи Леонид Брежневдан кейин “қора рўйхат”га тушиб қолди, деб ўйлайсиз?

— Маълумки ўтган асрнинг 80-йилларида дунё-ни титратиб келган СССРдаги империя пойдевори-га ҳам дарз кетаётгани тобора яққол кўриниб қол-ганди. Москванинг Иттифокни сақлаб қолишга қаратилган барча уринишлари самара бермади. Сўнгги чора, синовдан ўтган тажриба — қатагон усулларидан фойдаланиш эди. Ўзбеклар — буюқ халқ, Ўзбекистон — Ўрта Осиёда нуфузли респу-блика. Бу ерда қатагон ўтказиш орқали бошқа рес-публикаларни кўрковга солиш мумкин.

Сиёсий бюро бу фарзали мақсадни амалга оши-ришни нимадан ва кимдан бошлаган деб ўйлайсиз? Тўғри, улар Москвага, Компартия Марказомизга Шароф Рашидовни “суҳбат”га чақириб, мақсадга оосонгина етилишни кўзлаган бўлишлари керак.

Катта кучга эга бўлган армияни мағлуб қилиш учун нима қилинади? Душман биринчи бўлиб унинг саркардасига, ошқора ва махфий, турли усулларни қўллаб ҳамла қилади. (Фёдор Раззақовнинг кито-бида айрим эпизодлар келтирилган). Саркарда мағ-луб қилинганда унинг қўл остидаги кучлар паро-қандаликка юз тутади ва душманга енгил ўлжа бўли-ши тайин.

Шароф Рашидов ўз халқининг ҳақиқий лидери, “саркарда”си эди. Унга нисбатан қўлланилган Кремлнинг ноҳилис тактикасини у албатта, яхши анлаган, “ихтиёрий” равишда республика раҳбар-лигидан воз кечиш тақлифига рад жавобини бе-риб, душман томонини яхшигина саросимага ту-ширган. Негаки, марказ Шароф Рашидовгача бу каби қатъиятга рубор қелмаган эди.

Москва олиб борган ўта адолатсиз сиёсат на-тижасида юртимизда ўша даврларда юзага келган мураккаб ва қалтис муҳит, афсуски, ҳали-бери охи-ригача ўрганилмаган, таҳлил қилинмаган.

Энди тарихимизга мурожаат қилиб, фикрлари-мизни тасдиқлаб оламиз.

Мажвуд манбаларга асосланиб айтиш мумкин-ки, Москва республика миллий лидерини ишдан олишда доим бир хил усулни қўллаб келган. Мас-ала, 1923 йилда Тўрқистоннинг парчаланишига қарши бўлган Бухоро Халқ Республикаси раҳбар-ларини обрўсизлантиришга қаратилган кампания ташкил этилади. Оммавий ахборот воситаларида

Файзулла Хўжаев атрофи-даги мутасаддиларнинг “номуносиб” ҳаёт тарзла-ри тўғрисида туркум тан-қидий мақолалар чоп этти-рилади. Масалан, Фитрат қўлбола ароқ (самогон) тайёрлашда айбланган. Ф. Хўжаев эса Туркистон фараланишининг олдини олиш мақсадида олиб бо-рилган ташвиқот кампа-ниясининг раҳнамоси сифатида қораланади.

Шароф Рашидовга ҳам бир турли айблар эълон қилина бошланади. У киши энди Москва учун ортиқча одам бўлиб қолаётган эди. Элпарвар инсонни обрўсизлантириш бошланади. Масалан, республи-камиз раҳбарининг Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини Ўрта Осиё минтақасига йўналтириш, Орол денгизига оид муаммоларни ҳал этиш, аҳоли-нинг турмуш даражасини ошириш сингари бир қатор ташаббуслари ошқора қўлланмади. Таъкид-лаш керакки, айрим масалалар бўйича “ҳўжақўр-син” (сиёсий ўйин) учун, йўлига ишламайдиган, амалга оширилиши кўзда тутилмаган енгил-елпи ҳукумат қарорлари чиқариб қўйилади.

Шароф Рашидовни аввалига Сталиннинг одами, кейин Хрушчев уни ишдан оламан, деб турганида тил топишиб, унинг одамига айланди, деб гап тар-қатишди, кейинчалик эса Брежневнинг “одами” бўлиб қолади. Охир-оқибат бундай таниш-билиш-чилик, ошна-оғайнигарчилик деган жамиятдаги сал-бий ҳолатларни Москванинг ўзи бошлаб бергани кўриниб қолади.

— Дарвоқе, Сибирь дарёларини биз-нинг минтақага буриш ташаббуси ким-дан чиққан, уни амалга ошириш бўйича муайян ишлар қилинган деган гаплар бор. Бу аср муаммосининг асл мазмун-моҳияти тўғрисида нималар айтиб бера оласиз?

— Бу гоёни катта бир ҳудудда об-ҳавони мўъта-диллаштириш учун, аллақачон, Россияда давлат тўнралиши, октябрь революциясидан ҳам бурун 1868 йилда Киев университети талабаси Яков Демченко кўтариб чиққани тарихдан маълум. Фёдор Раззақов ҳам буни эсга олади.

Демак, аслида бу ташаббус ўзбеклардан ёки ён қўшимчиси — қозоқлардан чиқмаган. Аммо Шароф Рашидов ва Динмуҳаммад Қунаев уни қизгич қўллан-ганлар.

Иттифок ҳукумати Сибирь дарёлари оқимининг Ўрта Осиё минтақасига буриш тўғрисидаги ҳуж-жати “аср лойиҳаси”, деб эътироф этишга ул-гурган эди. Лойиҳа Сибирь дарёлари суви билан Россия, Қозогистон ва Ўзбекистон ҳудудларида ястаниб ётган қўллаб бўз ерларни ўзлаштириш, янги шаҳар ва қишлоқлар барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш сингари ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган эди.

Узлари “аср лойиҳаси” деб номлаган режани ярим йўлда ташлаб кетиши марказнинг ўзбеклар-га ва қозоқларга нисбатан менсимаслик муно-сабатларининг ошқора намоиши эди.

Ачинарлиси, аввал тантана билан бу “майдон”-га ўзбеклар, қозоқлар тақдир қилинди, сўнгра эса

— Синов махсус ташкил этил-ган тиббиёт муассасасида ўтқа-зиладими? Умуман, ушбу тад-бирлар ҳақида маълумот берсан-гиз.

— Албатта, биринчидан, мана шу юқори технолоияларга асосланган вакцина бўлганлиги учун биз иккита илмий мар-казни белгиллаб олдик.

Биринчиси, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Илгор технолоиялар маркази. Сабаби биз бу ерда олимлари-миз билан илк марта уларнинг генларини

қозоқлар билан биргача таҳлил қилишга қаратилди. Бу бир кенча кундуз давомида кузатув-назорат амалга оширилди. Илл давомидаги текширувлар-да, мабодо, ноҳўя таъсирлар пайдо бўлса, уларни ҳам даволаш чоралари қўрилади. Мазкур харажатларнинг ҳаммаси тиббий суғуртада акс этади ва компания тарафи-дан қўллаб берилишига келишяпмиз.

— Вакцинанинг акс таъсири кузатила, синов тўхтатиладими ёки давом этадими?

— Бундай бўлиши мумкин. Ҳар қандай вакцина олинганда тана ҳарорати кўтари-лади. Яъни, албатта, антитана ишлаб чиқариш жараёнида физиологик ҳолатлар организмда кузатилади. Булар жуда ҳам хавфли ёки хавф зонасига кирмайдиган ноҳўя таъсирлар. Жараён кузатув ос-тида бўлади. Ҳар бир кўнглилига бундай ҳолатларда хавотирга тўшмаслик тушун-тирилади. Лекин жуда ҳам кўп хавфли таъ-сирлар пайдо бўлганда, яъни айтилиб, 15 фоиз одамларда шу ҳолат кузатилса, зудлик билан зарур чора-тадбирлар қўри-лади ҳамда ўрганиш бошланади. Лекин бу 30 фоизга етадиган бўлса, вакцина синовлари тўхтатилади.

Бундан ташқари, мабодо, бирон кўнгли-лида жуда хавфли, ҳеч кимга аниқ бўлма-ган, айтилиб, бир ҳолат кузатилса ҳам

ўрганилмиз. Тест системалари яратилди ва ҳозир вакцина ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичлари амалга оширилипти. Иккинчиси, Соғлиқни сақлаш вазирли-ги тасарруфидида Вирусология илмий те-кшириш институти. Вирусли касалликлар билан шуғулланувчи катта тажрибага эга бўлган бу институт асосий марказ ҳисоб-ланади.

— Нега айнан Хитой вакцина-си танланди? Очиги, у ҳақида кўп маълумотга эга эмасмиз. Аксин-ча, Россияда яратилган вакцина (“Спутник V”) ҳақида маълумот мавжуд ва унга нисбатан ишонч юқоридек...

— Бу ҳам тўғри эътироз. Ҳозир Соғлиқни сақлаш вазирлиги тарафидан Россиянинг “Спутник V” вакцинаси сино-вларини ўтказиш ва кейин халқимизга тақ-дим қилиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилипти. Бунинг анча олдин клиник синовлари йўлга қўйилди. Ҳозир яхши натижаларга эришилди ва Россия Федерациясида кўп сонли аҳолида унчини босқич синовлари ўтказилипти. Ушбу ва-кцинани ҳам Ўзбекистонга олиб кириш чо-ралари қўйилипти.

Бундан ташқари, Хитойнинг “Синофарм” компаниясининг вакцинаси синовларини ўтказиш бўйича ҳам ишлар олиб борил-

моқда. У ҳозир айтиш мумкинки, “етилиб пишган”. Шу боис “Синофарм” компанияси махсулотини ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари ва Хитойдаги элчиҳонамиз томонидан Ўзбекистонга олиб кириш чора-тадбир-лари қўйилипти.

Биз эса рекомбинант оқсил молекула-сига асосланган вакцинани юртимизга келтириш учун кўл уряпмиз. Умуман, шу ўринда бир нарсани айтиш жоиз, ҳар қан-дай вакцинани олиб келишда биз бир неча вакциналар синовини ўтказишимиз керак. Чунки вакцинанинг ҳам, коронавирсининг ҳам типлари бор. Жумладан, ҳудудларда тарқалиши ҳам. Бир ҳудудда яратилган ва-кцина иккинчи ҳудудга жуда ҳам самарали таъсир қилмаслиғи мумкин. Аҳолининг ге-номидан, генотипидан, физиологик ҳола-тидан, турмуш тарзидан келиб чиқиб, улар-нинг самараси ҳар хил бўлиши мумкин.

Албатта, эмлаш жараёни текин бўлмай-ди. Бу жуда қиммат технология. Сотиб олиш тўғри келганда, албатта, самарали-сини танлашимиз керак. Шунинг учун бир пайтнинг ўзида бир неча вакцина устида ишлар олиб борилапти. Аҳолимиз буни тўғри тушуниши керак.

Биз танлаган вакцинанинг хавфсизлик даражаси энг юқориларидан бири деб ҳисоблайман. У COVID-19нинг турли штаммларига универсал таъсирга эгали-ги билан эътиборимизни тортган. У на-факат COVID-19 типидида вируслар, МАРС, САРС типидидаги вирусларга ҳам универ-сал таъсир қиладиган гетта вакцина си-фатида намён бўлиши мумкин.

Узим генетик олим сифатида, генлар инженерлиги билан шуғулланганлигим, бу соҳани яхши тушушганлигим ва хавфсиз-лигига ишончим жуда ҳам юқори бўлган-лиги учун ўрганишга қарор қилдим. Қола-верса, бошқа вакциналарга нисбатан ар-зонлиги ҳам бор.

— Синовда иштирок этган кўнглилардан бири, мабодо, вафот этса, унинг оиласига компенсация тўланадими?

— Жуда ўринли савол. Суҳбатимиз ав-валида таъкидлаганимдек, тиббий суғурта бўлади. Ҳозир аниқ бир сонларни айта олмаيمان. Лекин музокаралар кетяпти ва бундай харажатларни компания ўз зим-масига олади. Демак, компенсация бўйи-ча ҳам аниқлик киритилди.

Хуллас, “Доғули вирус” ва илм-фан тўқнашувида ким ғолиб бўлишини вақт кўрсатади.

— Долзарб мавзуда батафсил суҳбат учун миннатдорлик бил-дирамиз.

Фазлиддин АБИЛОВ, Шаҳноза ТўРАМУРОВА («Халқ сўзи») суҳбатлашди.



Бизнинг вазирлигимиз юқори технолоияларга асосланган вакциналар, дори препаратлари, даво-лаш усуллари бўйича кузатувларни олиб борапти. Жоиз бўлган пайтда шу те-хнологиялар трансферини амалга оши-риш бизнинг вазифамиз ҳисобланади. Бу йўлда жаҳон олимлари билан музо-караларни, ҳамкорликларни йўлга қўйяп-миз. Шунинг учун Инновацион ривож-ланиш вазирлигининг пандемияни бар-тараф этиш билан боғлиқ жараёнлар-даги роли янги, юқори технолоияларни ўрганиш, кузатиш, ўз навбатида, ҳам-корликлар орқали уларни халқимизга тақдим қилиш...

— Янги турдаги вакцинани синовдан ўтказишда, асосан, кўнглилар иштирок этади. Ўзбекистонда кўнглиларни жалб қилиш борасида муаммо-лар йўқми?

— Албатта, вакцина синови — муҳим жараён. Ҳозирги кунда юқори техноло-гик вакциналарнинг ўндан зиёди унчини босқич клиник синовлардан ўтказиляп-ти. Биринчи, иккинчи босқичларда пре-паратнинг хавфсизлиги, самарадорли-ги, антитаналар ҳосил қилиш ҳусусият-лари ўрганилган. Унчини босқичда ва-кцинанинг аҳоли орасида қанчалик са-марадорлиги кенг тафтиш қилинади. Кли-ник синовлар учун энг кам талаб қилин-ган кўнглиларлар беш минг атрофида бўлиши керак. Ва, бу заттоки, миллион-лаб, оз минглаб одамлар ўртасида ҳам ўтказилади. Шунинг учун Ўзбекистонда ҳам синовларини ўтказишда кўнглиларлар талаб этилади. Бу борада ҳозирча му-аммо йўқ.

Сабаби Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда оилавий поликлини-каларни жалб қилган ҳолда кўнглили-ларни қораяпмиз. Бу йўналишда иш-лар олиб бориляпти. Кўнглиларга ша-роит яратиб, уларни олдин ўқитиб, бу нарсанинг маъносини тушунтириб, эмлашни кейин амалга оширамиз.



кинчи гуруҳга 60 ёшдан юқори бўлганлар қамраб олинади.

Биз 18 — 60 ёш оралиғидаги кўнглили-лар билан дастлабки босқични бошлай-миз. Ҳозир шунга тайёргарлик қўриляпти.

— Хоржий ОАВда коронави-русга қарши вакцина билан эмланган бир кўнглининг вафот этгани ҳақида хабар тарқалди ва вакцина синови тўхтатилмади. Ўзбекистонда бундай ҳолат бўлмаслиғига қафолат борми?

— Дастлаб мана шу воқеага аниқлик киритсак. “AstraZeneca” компанияси томо-нидан ишлаб чиқилган вакцинанинг унчи-чи клиник синовлари пайтида битта кўнглининг вафот этгани тўғрисида ха-бар тарқалди ва катта шов-шув кўтарил-ди. Лекин қайта текширув ўтказилганда, вафот этган кўнглили аслида вакцина ол-магани маълум бўлди.

Вакцина синовида битта нарсани ҳамма яхши тушуниши керак: мана, беш минг кўнглилида синовлар ўтказамиз дедик. Ас-лида, уларнинг икки ярим минг нафари ҳақиқий вакцина олмайди. Тенг ярми ҳақиқий вакцина олади. Бу плацебо усули дейилади.

“AstraZeneca” компанияси томонидан ўтказилган синовларда вафот этган кўнглили коронавирус асоратлари туйф-

ли ҳаётдан кўз юмган. Яъни, у ҳақиқий вакцина олмаган. Ва шунинг учун бу си-новлар яна давом этириляпти. Дори-дар-монлар ўзи плацебо усулида текширила-ди. Бу, албатта, психологик ҳолатни ен-гишга ҳам ёрдам беради. Негаки, айрим-лар эмлашдан кейин “вой, мен вакцина олдим”, деб касалликка берилиб қолиши ҳам мумкин.

Умуман, вакциналар ишлаб чиқаришда турли технолоиялардан фойдаланилади. Ва, асосан, ўлдирилган вирусларни тўри-дан-тўғри одамнинг организмига юбориш орқали антитаналар ҳосил қилинади. Бу-лар ҳозир биринчи синовлари яқунла-наётган вакцина турли қўйибланади.

Бундан ташқари АҚШ, Европада ДНКга, РНКга асосланган вакциналар бор. Булар

латланганми? Ана шу жиҳатларга эъти-бор қаратилади.

Масалан, нима учун Россияда ишлаб чиқарилган вакцинани олган депутатда ҳам касаллик аломатлари кузатилди? Ва, шун-дан сўнг табиийки, у ишласма экан, де-ган фикрлар ҳам пайдо бўлди. Аслида эса у ҳам шу плацебо, яъни ҳақиқий вакцина қабул қилмаган. Мана шундай ҳолатлар олдиндан тушунтирилади.

Иккинчидан, беш минг нафар кўнгли-нинг ҳаммаси тиббий кўрикдан ўткази-лади. Мазкур жараёнда қўшимча касал-ликлари борми, уларнинг хавфлилик да-ражаси қандай, деган саволларга ойдин-лик киритилади. Кейин суғурта қилинади.

Вакцинация қилинганлар 35 даққа ши-фокор кўриғида бўлади. Ўша жойда ноҳўя

таъсирлар пайдо бўлса, дарҳол бартараф этиш чоралари қўрилади. Ва бир кенча-кундуз давомида кузатув-назорат амалга оширилди. Илл давомидаги текширувлар-да, мабодо, ноҳўя таъсирлар пайдо бўлса, уларни ҳам даволаш чоралари қўрилади. Мазкур харажатларнинг ҳаммаси тиббий суғуртада акс этади ва компания тарафи-дан қўллаб берилишига келишяпмиз.

— Вакцинанинг акс таъсири кузатила, синов тўхтатиладими ёки давом этадими?

— Бундай бўлиши мумкин. Ҳар қандай вакцина олинганда тана ҳарорати кўтари-лади. Яъни, албатта, антитана ишлаб чиқариш жараёнида физиологик ҳолатлар организмда кузатилади. Булар жуда ҳам хавфли ёки хавф зонасига кирмайдиган ноҳўя таъсирлар. Жараён кузатув ос-тида бўлади. Ҳар бир кўнглилига бундай ҳолатларда хавотирга тўшмаслик тушун-тирилади. Лекин жуда ҳам кўп хавфли таъ-сирлар пайдо бўлганда, яъни айтилиб, 15 фоиз одамларда шу ҳолат кузатилса, зудлик билан зарур чора-тадбирлар қўри-лади ҳамда ўрганиш бошланади. Лекин бу 30 фоизга етадиган бўлса, вакцина синовлари тўхтатилади.

Бундан ташқари, мабодо, бирон кўнгли-лида жуда хавф

Электрон банк технологиялари

Бугун уйда ўтириб, қўлимиздаги биргина телефон орқали қўллаб ишларни бажариш имконига эгамиз. Ҳоҳлаган ташкилот мобиль иловаси ёки расмий сайтига кириб, исталган маълумотни олиш, турли тўловларни амалга ошириш, буоратма бериш ва ҳатто шикоят ёки эътирозлар йўллаш мумкин. Авваллари оилаб кутишга тўғри келадиган ишларни ҳозир бир неча сонияда амалга ошириш имконини берувчи дастурлар, қурилмалар мавжуд. Буларнинг барчаси ахборот-коммуникация

Банк тизимида ҳам замон талабларига мос ҳолда ахборот-коммуникация техно­логияларини кенг жорий қилиш ва шу орқали қўллаб банк хизматларини авто­матлаштириш ишлари давом этмоқда. Уч йил аввал кўп меҳнат, вақт ҳамда оворагарчилигини талаб қиладиган банк хизмат турларининг аксарияти ҳозир мобиль телефон ёки махсус қурилмалар

дан фойдаланишда, айниқса, чекка худуд­лар аҳолиси кўп қийинчиликка учрашаёт­ган­ди. Рақамли молиявий хизматлар банк филиалларини очиб норентабел бўлган олис ҳамда аҳоли сийрак жойлашган худуд­лардаги аҳоли ва тадбиркорлик субъект­ларини масофадан хизмат қўрсатиш тизи­ми орқали самарали қамраб олиш имко­нини берди.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРДА УНИНГ АҲАМИЯТИ ҚАНДАЙ?

орқали бир зумда амалга ошириляпти.

Ҳунлианиб бораётган йилда бу соҳага давлат сибасати даражасида алоҳида эъти­бор қаратилди, бу борада олиб борилган ишлар қўлами ҳам шунга яраша анча кенг бўлди, дейиш мумкин.

Стратегияда асосий вазифалар белгиланган

Давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 12 майда имзолаган “2020 — 2025 йил­ларга мўлжалланган Ўзбекистон Рес­пуб­ликасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”да замонавий ахборот-комму­никация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнесе жа­раёнларини автоматлаштириш ва масофа­вий банк хизматлари турларини кенгайти­риш учун зарур шарт-шароитлар яратишга устуворлик берилган. Хусусан, тижорат банкларини корпоратив трансформация қилиш жараёнида замонавий ахборот-ком­муникация технологияларини жорий этиш соҳасида қуйидагиларни амалга ошириш белгилан олindi:

- масофавий банк хизматлари, шу жум­ладан, контактсиз тўловлар сони ва қам­ровини кенгайтириш;
- автоматлаштирилган скоринг тизи­ми, рақамли идентификациялаш ва кредит конвейеридан кенг фойдаланиш;
- банк маълумотлари ва тизимлари­нинг ахборот хавфсизлигини кучайтириш;
- банк соҳасидаги янги концепция ва технологияларни кенг жорий қилиш (фин­тех, рақамли банк).

Ушбу вазифаларни белгилаш, умуман, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ри­вожлантириш, банк хизматларини рақам­лаштиришдан қўзланган мақсад — Ўзбе­кистон иқтисодиёти юқори суръатларда ўси­шини таъминлаш билан бир вақтда, аҳоли молиявий маданияти ва ҳуқуқий дунёқа­рашларини замон билан ҳамнафас қилиш, мамлакатимизнинг халқроқ майдонда интеграциясини жадаллаштириш ва эркин давр, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш иборатдир.

Замонавий технологиялар ўзаро муносабатларга кўчмоқда

Банк хизматларини рақамлаштириш, бу — банк ва микоз ўртасидаги муносабат­ларни рақамли ахборот-коммуникация техно­логияларни асосида барпо этиш ҳисобла­нади. Банк мижозлари молиявий хизматлар­дан фойдаланган экан, хизматларнинг қўлай, сифатили ҳамда тезкор равишда амалга оши­рилишида, вақтдан теҳамли фойдаланиш ва операциян харажатлари қамайишида муҳим аҳамият касб этаётганини сеза бошладди. Чўнки ҳозирги кунда субъектлар ўртасида ҳўжатлар электрон тарзда алмашина бош­лади. Иқтисодиётнинг барча бўғинида иш жараёнларнинг автоматлаштирилиши билан ҳамма турдаги маълумотларнинг электрон базаларини яратишга киришилди. Бухгал­терия ҳамда бошқарув тизимларининг электрон интеграцияси шаклланиб, CRM (Customer Relationship Management) мижоз­лар билан ўзаро муносабатларни бошқа­риш тизими яратилмоқда.

Банкка муружаат йўллаш ва хизматлар-

технологияларининг қанчалик ривожланаётганига,

қоғозларда акс этган барча тарқоқ маълумотлар битта электрон базага жамлангани, қисқаси, ахборотларнинг рақамлаштирилгани натижаси, албатта.

Ҳаётимизга ахборот-коммуникация технологияларининг мана шундай шиддат билан кириб келиши жаҳон ҳўжалик алоқаларининг глобаллашувини, товар ва хизматлар, шу жумладан, молиявий хизматларни етказиб берувчилар бозорида рақобатни кескин қўчайтириб юборди.

диётнинг рақамлаштирилиши нафақат банklar учун янги имкониятларни яра­тади, балки шаффоф рақобатнинг қў­чайиши ҳисобига мижозларни жалб қилишининг янги йўлларини излаб топиш­га ундайди, мижозларга арзон ва си­фатли молиявий ҳамда тўлов хизматла­ри қўрсатилиши орқали уларга қўлай шарт-шароитлар яратмоқда.

Тўлов тизимида натижа қандай?

Бугун рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш мамлакат банк-молия ти­зими раванаксининг муҳим йўналишига ай­ланиб улгурди. Соҳага оид норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилиб, тўлов инфратузилмасини тараққий топтириш, бозорга масофавий банк хизматлари қўрсатишга ихтисослаштирилган тўлов ташкилотларининг (финтех компаниялар) кириб келиши рағбатлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Тўлов­лар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қону­нининг қабул қилиниши билан мамлақати­мизда фаолият қўриётган тўлов тизими операторларининг хизмат қўрсатиш инфратузилмалари кескин кенгайтирилди. Шунингдек, рақамли молиявий хизматла­рини қўрсатишга ихтисослаштирилган 17 та тўлов ташкилоти ўз фаолиятини йўлга қўйди. Контактсиз тўловларни ривожлантириш мақ­садида халқроқ стандартларга тўла мос келувчи “HUMO” чакана тўлов тизими таш­кил этилиши билан банк карталари соҳа­сида рақобат муботи шаклланди.

Тижорат банклари томонидан мобиль илова дастурлари орқали мижозларга кар­тадан картага маблағ ўтказиш (P2P) опе­рацияларини бажариш, жисмоний шахслар­нинг базавий тўловларини амалга оши­риш, мижознинг талабига қўра банк кар­тасини блоклаш (блокдан чиқариш), микро­қарз (овердрафт кредит) олиш ва уни сўндириш, онлайн омонатларни расмий­лаштириш, онлайн конверсия хизматлари, халқроқ пул ўтказмалари тизими орқали келган маблағларни тўғридан-тўғри банк омонати ёки банк картасига қиритиш каби хизматлар тақлиф қилинмоқда. Жорий йил­нинг 1 октябр ҳолатига масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони қарийб 12,3 млн.ни ташкил этиб, бу қўрсат­кич 2017 йил 1 январь ҳолатидагига нис­батан 10,2 млн.га ошганини қўрсатмоқда. Бўнда сифатнинг мўқдорий қўрсаткичларга таъсир қилаётганини қўришимиз мумкин. Масалан, аҳоли томонидан шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида банklarга таъсирф буюрмасдан мобиль иловалардан фойда­ланган ҳолда 1 573,1 млрд. сўмлик микро­қарзлар олинган бўлса, 9 964,7 млрд. сўмлик маблағлар мuddатли депозитларга жойлаштирилган. Аҳамиятлй жиҳати шун­даки, жисмоний шахслар томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида автомат­лаштирилган банк хизматлари марказла­ри (банкоматлар) орқали 4,7 млн. АҚШ доллари, мобиль иловалар орқали 444,5 млн. АҚШ доллари харид қилинган, бу эса жисмоний шахслар томонидан жами ушбу турдаги хариднинг 15,4 фоизини таш­кил этади. Шунингдек, жисмоний шахслар томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 668,6 млрд. сўмлик тижорат банклари­дан олинган кредит ва унга ҳисоб­ланган фоиз тўловлари банklarга бормас­дан туриб мобиль иловалардан фойдалан­ган ҳолда сўндирилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагига Мар­казий банк Тезкор тўловлар тизимини ишга туширган эди. Ҳозирги кунда ушбу тизим­га барча банклар интеграция қилинди, на­тижада банklar ўш мижозлари — тадбир-

корлик субъектлари тўловларини узлуксиз (дам олиш қилиарисиз) тўну кўн (24/7) ре­жимида онлайн тарзда амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Тизим тақомил­лаштирилиши натижасида сентябрь ойи­дан бошлаб бюджет тўловларини амалга ошириш хизмати ҳам йўлга қўйилди. Ушбу тизимнинг муҳим жиҳатларидан бири тўлов­ларнинг тижорат банклари ходимлари ҳамда банк амалиёт кўнига боғлиқ бўлма­ган ҳолда автоматик тарзда амалга оширилишидир.

Мамлакатимизда инновацион тўлов усулларини жорий қилиш доирасида жорий йилнинг март ойида “QR-online” стандарт-лаштирилган ва универсал тизим ишга туширилди. Савдо ҳамда хизмат қўрсатиш шохобчаларининг QR-кодларини сканер қилиш (“ўқиш”) орқали тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи мазкур ти­зимдан ҳозирги пайтда 14,1 мингдан ортқ ҳўжалик субъектлари фойдаланмоқда. Му­ҳим жиҳати шундаки, “QR-online” стикер-



Мижозларни масофадан идентификация қилиш тизимининг жорий этилиши, банк­ларда ахборот хавфсизлиги, жумладан, ки­берхавфсизлик соҳасида малакали ва етук кадрларнинг мавжудлиги, шунингдек, жой­ларда, айниқса, қишлоқ аҳолисида тўлов инфратузилмасидан фойдаланишга оид кўн­имка ҳамда қўбилиятнинг етарли дара­жада шакллантирилиши республика­ми­зда масофадан хизмат қўрсатиш бозори кес­кин кенгайтирилишига ва банк тизимида рақамли молиявий хизматлар янада ри­вожланишига туртки беради.

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» банк тизимига нима беради?

Умуман, иқтисодиётнинг ҳолати, хусу­сан, мижозларнинг молиявий ва тўлов хизматларидан қониқиш даражаси банк хизматларининг сифати, жозибadorлиги, хилма-хилиги ҳамда уларнинг молиявий қўбилияти ва савдоҳдонлиги билан узвий боғлиқ. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самара­ли амалга ошириш чора-тадбирлари тўғ­ри­сида”ги Фармони билан яқин икки йилда рақамли молиявий хизматларни ривож­лантириш, бу борада ўз ечимини кутаёт­ган масалаларни бартараф этиш юзаси­дан қатор устувор вазифалар белгилаб олингани диққатга сазовордир.

- зарур норматив-ҳуқуқий базани ярат­ган ҳолда масофадан идентификация қилиш (е-ID ва е-KYC) тизимини самарали йўлга қўйиш;
- мавжуд тўлов инфратузилмасидан оқилона фойдаланиш ва тўлов терминал­лари ҳамда банкоматлар тармоғини рес­публика бўйича кенгайтириш мақсадида “HUMO” ва “UZCARD” чакана тўлов ти­зимларини интеграциялаш;

- молиявий хизматларни қўрсатувчи ташкилотларнинг жорий харажатларини қисқартириш, молиявий хизматлар опера­циян самарадорлигини ошириш ва улар­нинг сифатли бўлишини таъминлаш мақ­са­дида сўнгги молиявий технологик (фин­тех) ечимлардан кенг фойдаланиш;
- ишончли маълумотларга эга бўлиш, маълумотларни тўллаш жараёнида инсон омилини қамайтириш, банк тизимида ахборотни жамлаш, қайта ишлаш ва таҳ­лил қилишнинг автоматлаштирилган за­монавий тизимини жорий этиш;
- Марказий банкнинг Ягона маълумот­лар оморини (Data Warehouse) самарали ташкиллаштириш ва банк бизнесе жараён­ларининг таҳлилий тизимини жорий қилиш;
- халқроқ талабларга мувофиқ тўлов тизимларининг фаолият юритишини кузатиш ва назорат қилиш механизм­лари такомиллаштириш;
- мамлакатда рақамли молиявий хизматлар қўлами ва сифатини ошириш мақсадида республиканинг барча худуд­ни сифатли интернет тармоғи билан тўлиқ қамраб олиш;
- Марказий банк таркибида банк ва молия-кредит соҳасидаги ахборот муҳо­фазаси ҳамда киберхавфсизлик ҳодисалари­нинг олдини олиш, уларга қарши таъсир чораларини қўриш ва молиявий фибриб­ар­ликларга қарши жавоб қайтариш бўйича замонавий FinCERT марказини йўлга қўйиш ҳамда банklar, тўлов тизими операторла­ри ва тўлов ташкилотларида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизлик ти­зимини самарали жорий этиш;
- банк карталари орқали тақдим қили­надиган банк маҳсулотларини тақлиф этиш асосида аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб­китоблар ҳажмини ошириш, банк томони­дан қўрсатилаётган хизматлар сифатини юқори даражага кўтариш.

Хулоса ўрнида айтганда, тўлов ва банк хизматлари соҳасидаги қатъиятли рақобат курашида энгиб чиқиш зарурияти банklarга аҳолининг молиявий маданияти ўсиб бораётган бир шароитда ўзига хос кескин талабларни қўймоқда. Ушбу ҳолатда сифатли рақамли банк хизматларини тақдим этувчи банklar, албатта, мутлақ ус­ту­нликка эга бўлишиди. Рақобат бозорида банк бизнесининг янги талабларига ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларига мос равишда ўз фаолиятини трансформация қилган банklarгина барқарор фаолият қўрилади. Қўри­лаётган ва яқин келажада амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирлар ҳам бу тизимни янада тараққий эттиришга, қамчиликлар устидан тизимли назорат ўрнати­лишига ёрдам беради.

Улуғбек МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тўлов тизимлари департаменти директори.

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси Сирдарё вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган СИ-00048-сонли шартномага асосан, <https://www.e-auction.uz> электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида 2020 йилнинг 11, 13 ва 16 ноябрда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Сирдарё вилояти бошқармасининг қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами	Аукцион ўтказиладиган сана
1.	«УАЗ-31514»	2001	20 334 DAA	0329044	11.11.2020 й
2.	«УАЗ-315142017»	2003	20 335 DAA	0329045	11.11.2020 й.
3.	«УАЗ-315142-012»	2006	20 319 DAA	0329046	11.11.2020 й.
4.	«УАЗ-315142-012»	2006	20 328 DAA	0329047	11.11.2020 й.
5.	«УАЗ-39091»	2001	20 324 DAA	0329050	11.11.2020 й.
6.	«УАЗ-315142-012»	2005	20 329 DAA	0329052	11.11.2020 й.
7.	«УАЗ-315142-012»	2008	20 348 DAA	0329049	11.11.2020 й.
8.	«УАЗ-315142-012»	2006	20 349 DAA	0329048	11.11.2020 й.
9.	«УАЗ-315142-012»	2009	20 257 BAA	0329051	11.11.2020 й.

онлайн-аукцион савдоларига тақлиф этади.

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 48-уй.

Талабгорлар диққатиға!
Аукцион савдоларига иштирок этиш — «E-IJO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.15 Топпирлиди — 00.40 1 2 3 4 5 6

МИНТАҚАВИЙ КООРДИНАТОРЛАР ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНМОҚДА.

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги томонидан Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси ижросини таъминлаш юзасидан сазй-харакатлар олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳани бажариш мuddати 2020 — 2026 йиллар этиб белгиланган.

Лойиҳа самарадорлигига эришиш мақсадида лойиҳа ижроси бўйича гуруҳ таркибида лойиҳа фаолиятини минтақавий даражада амалга оширишни таъминлаш ҳамда мувофиқлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда минтақавий координаторлар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Танловда иштирок этадиганларга қўйилган талаблар:

қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти/молия ва бизнесини бошқариш ёки шунга ўхшаш таълим соҳасида олий маълумотга эга бўлиши;

қишлоқ ҳўжалигини молиялаштириш дастурларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш бўйича камида 5 йиллик иш тажрибаси бўлиши (вилоят ва туман ҳокимликлари, минтақавий даражада савдо ҳамда маркетингга қўмклашиш ва жамоатчилик билан ишлаш масалалари ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича иш тажрибаларига эгаллиги авфзаллик ҳисобланади);

давлат ва бизнес бошқаруви соҳасида ёки инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ тажрибага эга бўлиши;

Ўзбек ва рус тилларини билиши талаб этилади (танловда инглиз тилини яхши билиши авфзаллик ҳисобланади).

Ушбу лавозимга талабгор шахслар танловда қатнашишлари ёки қўшимча маълумот олишлари учун 2020 йилнинг 16 ноябрга қадар душанбадан жумагача соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилга ўзлари тўғрисидаги маълумотларни олиб келишлари ёки электрон манзилга юборишлари мумкин: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 1-А» уй, Агросаноат комплекси ва озиқ-овқат таъминоти соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги.
Телефон: 71-241-33-30.
e-mail:amcp@rra.uz

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари диққатиға!

ҲУРМАТЛИ «МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ АКЦИЯДОРЛАРИ!

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йилнинг 28 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Луфтий кўчаси, 14-уйда жойлашган “Микрокредитбанк” АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши айрим аъзоларининг ваколатини мuddатидан илгари тутатиш;
4. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши янги аъзоларини сайлаш;
5. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш.

«Микрокредитбанк» АТБ Кузатув кенга­шининг 2020 йил 5 ноябрдаги мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбат­дан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2020 йил 24 ноябрь ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акция­дорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 5 ноябрь ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2020 йил 28 ноябрь куни соат 10.00 дан 10.50 гача давом этади.

Акциядорлар умумий йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қўнун ҳўжат­ларида белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тас­диқланган бўлиши керак.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ви­део­конференциялақ тарзида ўтказилса, бу ҳақида қўшимча маълумот берилади.

Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот ҳамда унда қўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан танишиш учун юқоридаги манзилга ва қуйидаги телефон рақамларига муружаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали маълумот олиш мумкин.
Телефон: 71-202-99-99 (1192).

Банк Кузатув кенгаши.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари кафедраси доценти Нозима Шоҳмедовага отаси

Хайрулла ЮНУСОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

